

Отанинг дўстидан алоқани узмаслик

Image not found or type unknown



13:30 / 19.02.2020 2344

عَمْرَةَ نِي دَمْلِدِجْ سَمِ يَفِ اسْلَاجُ تُنُكُ : لَاقُ هُرَبَحْ أَهَابُ أَنْ أَيْ قِرْرَزْلَا دَابُعْ نَبِ دَعَسْ نَعِ
هَيْحْ أَنْبَا يَلَعِ أَيْ كُتْمِ مَالَسْ نَبِ هَلَلْ أَدْبَعِ أَنْبِ رَمَفِ ، نَأْفَعِ نَبِ نَأْمُتْعِ نَبِ وَرَمَعِ
نَبِ تَرَمِ ؟ نَأْمُتْعِ نَبِ وَرَمَعِ تَشَامِ : لَاقُ فَمُ هَيْلِ إِعْجَرَفِ ، فَطَعِ مُتْسَلِجْ مَلِ نَعِ دَعَبِ
بُتْ كِ ضَعَبِ يَفِ : لَاقُ وَأُ - هَلَلْ بَاتِ كِ يَفَلِ نَبِ إِيْحْ لَابِ أَدْمُحْ مَشَعَبِ يَدْلِ أَوْفِ ، أَثَالِثِ وَأُ
لِذَبِ أَفْطِي فِ كِ أَبِ لَصِي نَبِ نَمُ عَطِقَاتِ أَلِ - كُشْ أَنْ أُنْبِي سُخْلِ لَاقُ ، هَوَّحْ نَبِ وَأُ هَلَلِ
عَبْ يَشِ يَبْ أَنْبِ أَوْ بَدَالِ يَفِ رَاخُ بَلِ أَوْرِ . كُرُونِ

Саъд ибн Убода Зарқийдан, у отасидан ривоят қилади:

«Мадинанинг масжидида Амр ибн Усмон ибн Аффон билан ўтирган эдим. Абдуллоҳ ибн Салом жиянига суяниб ўтиб қолди. Мажлисдан бир оз узоқлашди-да, кейин қайтиб келди. Уларнинг олдига келиб, Амр ибн Усмонга:

«Нима демокчисан?» деб икки-уч марта айтди. Кейин: «Муҳаммадни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, Аллоҳнинг Китобида – ёки «Аллоҳнинг китобларидан баъзисида», ёки шунга ўхшаш гап айтди. Ҳусайн: «Менинг эсимдан чиқиб қолди», деган – отангга алоқаси бор одамдан ҳеч алоқангни узмагин. Яна ўша ила нулинг ўчиб қолмасин», дейилган», деди».

Бухорий «Адабул муфрад»да ва Ибн Абу Шайба ривоят қилишган.

Демак, ота вафот этиб кетса-ю, отанинг дўстлари, яхши кўрган кишилари, эҳтиром қилиб юрган одамлари бўлса, улардан алоқани узмаслик лозим. Улар билан яхши бир муомалада бўлиб, қўлидан келган яхшилигини қилиб, дуоларини олиш, отасига кўрсатадиган ҳурмат-эҳтиромни уларга кўрсатиб юриш керак. Отам ўлди, деб унинг дўстларини унутиб юборган кишининг нури ўчиб қолар экан. Бу ниҳоятда оғир бир мусибат бўлар экан.

هَلْ لِي صِدْقٌ لِّأَلْوَسْرَ لَأَقِ: لَأَقِي مَاشَهُ نَبِيَّ شَرَّحَ لَأَلْوَسْرَ لَأَقِي نَبِيَّ مَرْكُوعٌ نَع
«كُرُونُ كَلِّ ذَبْ أَفْطِي فَ كُؤَبْ أُهُ لَصَيَّ نَأَكْ نَمَّ عَطَقَتْ أَلْ كَيَّ بَأْ دُؤْ كُؤُؤْ: مَلَسُو هِي لَع
يَزُؤْرْمُ لَأُنِّي سُحُّ لَأُهُ أَوْرُ»

Икрима ибн Абдуррахмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Отангнинг дўсти сенинг дўстингдир. Отанг муносабат қилиб юрган кишидан алоқангни узма, яна нулинг ўчиб қолмасин», дедилар».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Яъни «Отангнинг дўсти сен ҳам дўст тутишинг керак бўлган кишидир. Отанг билан алоқада бўлган кишидан алоқангни узмагин. Мабодо алоқани узадиган бўлсанг, нулинг ўчиб қолади».

«Кексаларни эъзозлаш» китобидан